



ХАВАР

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 1997 йил, 19 декабрь № 51 (279)

Сотувда нархи эркин



Бухоро шаҳар телефон-телеграф станциясининг телеграфчиси Истаб ФУЛОМОВА чорак асрдан зиёд шу касбда меҳнат қилади. У ишлаб чиқариш режаларини доимо бажариб, жамоа аъзолари ҳурматини қозонмоқда.

Суратқаш Т. ЛУТФУЛЛАЕВ

ПОЧТАЧИЛАР АКЦИЯ ОЛИШМОҚДА

«Сурхондарё почтаси» акциядорлик жамиятида дастлабки акция олиш тадбири бўлиб ўтди. Жамиятнинг ишчи-ходимлари биринчилардан бўлиб акция ола бошладилар. Бунга қадар почтачиларнинг акция нима, унинг

кељаги қандай бўлади каби саволларига акциядорлик жамияти директори М. Муҳаммадиев батафсил жавоб берди. Кузатув кенгашининг қарорига кўра ва жамият билан келишилган ҳолда акция ҳаммага тенг

бўлинади ва айрим имтиёзлар берилади.

С. БҲРОНОВА,
«Сурхондарё почтаси»
акциядорлик
жамиятининг
назорат бўлими бошлиғи

ОЛАМДА НИМА ГАП?

• Янгиликлар • Воқеалар • Хабарлар

• **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсагасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби хитой тилида нашр этилди.**

• Тошкентдаги ҳинд маданият марказида Хиндистон мустақиллигининг 50 йиллиги муносабати билан Хиндистон ва Ўзбекистон аёллари дўстлигига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

• **Таниқли физик олим, Андижон университети ректори, профессор Сирожиддин Зайнобидинов АҚШда ташкил этилган Халқаро фан-**

лар, таълим, саноат ва санъат академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди.

• Бухоро маданият ҳаётида муҳим воқеа содир бўлди: «Бухоронома» ижтимоий-маданият газетасининг нишонона сони босилиб чиқди.

• **Душанбеда тожик мухолифатчиларининг 460 кишилик ҳарбий батальони тузилди. Унинг олдига тожик мухолифатчиларини ҳамда Тожикистондаги халқаро ташкилотлар ва коллатхоналарини кўриқлаш вазифаси қўйилган.**

• «АҚШ, Буюк Британия, Россия ва Франция ўз ёндашувларида ҳамфикр эканликларини билдириши», деди БМТнинг Ироқни қуролсиз-

лантириш бўйича махсус комиссияси раиси Ричард Батлер.

• **Непаль мамлакатининг боғжонасида юз килограмм олтин олиб чиқиб кетаётган Шимолий кореялик дипломат ва унинг хотини ушланди. Олтин эса мусодара қилинди.**

• **Англия қироличаси Елизавета II машҳур кўшиқчи ва бастакор Элтони Жонга рицарь унвонини берди.**

• **Камбоджадаги энг йирик мухолифатчи партия ҳукуматни «қизил кхмерлар» ҳаракатини тўхтатиш ҳақидаги қонунни ўзгартиришга даъват этди.**

АЪЛО СИФАТЛИ КАБЕЛЛАР — АЛОҚА ТИЗИМИГА

Республикада кабель саноатининг ривож топиб бораётгани алоқа ва коммуникация тизими фаолиятини янада яхшилаш учун пухта замин ҳозирламоқда. Бунда, албатта, «Ўзбеккабель» ҳиссалдорлик жамияти техник ва муҳандис мутахассисларининг хизмати катта бўлмоқда.

Кейинги йилларда корхона Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги буюртмаси билан катта ҳажмдаги ишлаб чиқариш жараянларини йўлга қўйди. Аъло сифатли кабель маҳсулотларининг бир неча тури агентликка қарашли алоқа корхоналарида етказиб берилмоқда.

Бугунги кунда «Ўзбеккабель» ҳиссалдорлик жамиятида тайёрлаётган маҳсулотлар тури икки мингдан ошиб кетди. Биргина кабель цехининг ўзидagina йилга ўрта ҳисобда 75 минг тонна маҳсулот чиқаришга эришилаётгани корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати тобора ортиб бораётганидан далолат бериб турибди. Шуниси муҳимки, республикамизнинг кабель маҳсулотларида булган эҳтиёжининг 80 фоизи

ни шу корхона таъминламоқда. Айни бир вақтда корхона ўз маҳсулотининг 71 фоизини четта чиқармоқда. Хорижий мамлакатлар технологияси ва замонавий асбоб-ускуналари корхона цехларига қўллаб урнатилмоқда. АҚШ, Италия, Швеция каби мамлакатлардан олиб келинган технологиялар жаҳон андозалари талабига жавоб берадиган кабель маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун кенг йўл очиб бермоқда.

Германиядан келтирилган янги линиялар кабеллар тайёрлаш ва уларни қайта ишлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Яқинда Италия мамлакатидagi «Да-Анжела» фирмаси билан ҳам шартнома тузилди. Ана шу узаро ҳамкорлик алоқаси туфайли корхонанинг техник негизи янада мустаҳкамланади.

Янги йилда корхона республика почта ва телекоммуникациялар агентлиги буюртмаси билан қўллаб кабель маҳсулотларини тайёрлайди.

Ўзбекистон Фанлар академияси «Кибернетика» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида информатика ва телекоммуникация муаммолари бўйича ҳам самарали тадқиқотлар олиб борилмоқда. Айниқса, видеоахборотлар тизимининг тасвирларни қабул қилиш си-

Шажсий ЭХМ воситалари асосида умумий канал бўйича сигналлаштириш тармоғини моделлаштиришга доир тадқиқотлар ҳам шу битим асосида юзага келмоқда. Шунингдек, «Тизимлар учун тасвирларни автоматик усулда қабул қилиш» деб номланган

ИЛМИЙ ШАРТНОМАЛАР АСОСИДА

фатини оширишга қаратилган аппарат мосламаларини ишлаб чиқиш халқ ҳужалигига катта фойда бермоқда.

Шуниси муҳимки, бу хил тадқиқотларни амалга оширишда кибернетик олимлар хорижий мамлакат мутахассислари билан яқин ҳамкорликда иш олиб бормоқдалар. Жумладан, Малайзия давлати билан тузилган шартномалар ҳам қатор муҳим масалалар устида иш олиб боришга йўл очиб берди.

тадқиқот ҳам ниҳоясига етай деб қолди.

Бу ҳар иккала ҳамкорлик битимлари 22 минг долларни ташкил этди. Ушбу ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш мақсадида халқаро илмий дастур бўйича 1,3 миллион белгья франки миқдорига грант олинди. Бу тадқиқотлар келгуси йилда ҳам давом эттирилади.

А. АЛИЕВ

Тахририятга хат

КАСБИМИЗГА САДОҚАТЛИ БҲЛАЙЛИК

Ассалому-алайкум ҳурматли «Хабар»чилар!
Мен 1940 йили туғилганман. 1958 йилдан буён алоқа соҳасида турли хил вазифаларда ишлаб келялман. Меҳнат фахрийсиман. Ҳозирги пайтда «Қашқадарётелеком» шубба корхонасининг Ҳузор филиалида ишлялман.

«Хабар» газетасини 1992 йилдан буён ўқиб бораман. Газетанинг шу йил 14 ноябрь сонида босилган «Музей залларида» номли мақолани ўқиб, жуда тақинланиб кетдим. Аввало долзарб масалани кўтариб чиққани учун муаллиф Тўлқин Лутфуллаевга раҳмат. Тўғриси, шу кунгача республикада алоқа музейи борлигини эшитмаган эдим. Алоқа фахрийси сифатида шу

музейни ташкил қилган жонқур алоқачиларга ўз миннатдорчилигини билдирмаман. Тақлимфим — музей биносини таъмирлашни Хоразм вилояти электралоқа корхонаси ўз зиммасига оلسа нур устига аъло нур бўлар эди.

Мақола муаллифи айтганидек, музейга қўйилган ҳар бир экспонатнинг ўз «таржимаи холи», «ўз тарихи» бор. Уларга қараб туриб, алоқачи отахон-онахонларимиз жуда қийин шароитларда ўз касбига меҳр ва фидойилик билан ишлаганликларини тасаввур қилиш қийин эмас. Афсуски, кўп ҳолларда бизга айнан шу касбга садоқат фазилати етишмаяпти...

Йўлдош ҲУСАНОВ,
Қашқадарё вилояти

Вилоят алоқа корхоналарида олиб борилаётган ишлар, кейинги йиллардаги ўзгаришлар, алоқачиларнинг ҳаёти газетамизнинг доимий мавзусидир. Яқинда мухбиримиз Фарғонада бўлиб вилоят электралоқа корхонаси бошлиғи Улуғбек Бурҳонович СУЛТОНОВдан вилоят электралоқа хизматининг бугунги аҳоли ва истиқболи ҳақида сўзлаб беришни илтимос қил-



543000 тадир. Шундан код орқали шаҳарларо сузлашув 70 фоизни, халқаро сузлашув 15,3 фоизни, телефончилар ердамидаги сузлашувлар эса 12 ва 2,7 фоизни ташкил этади.

Алоқанинг ҳужжатли тури ҳи-

ИЗЛАНИШЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

сбланган телеграф алоқасидан фойдаланиш имконияти вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида мавжуд. Шаҳарларо ва халқаро тармоқларга чиқиш Фарғонадаги марказий телеграф орқали амалга оширилади. Бунинг учун марказий телеграфда умумий фойдаланишга мулкдорлардан 170 та, абонентларнинг яқка тартибда фойдаланишлари учун корхоналарга 273 та абонент телеграф апаратлари урнатилган. Шотилинчюманинг умумий сони ойига ўртача 15000 атрофида. Шотилинчюма уз эгаларига шартнома асосида Фарғона вилояти почта корхонаси ва давлат электралоқа корхонаси томонидан етказиб берилади. Гарчи телеграф соҳаси иқтисодий жиҳатдан узини оқламаётган бўлсада, бу соҳага эътиборни сунтиратганимиз йўқ.

Сим орқали радио эшиттириш тармоғимизда 180020 та радионукта бор, шундан 62 фоизи қишлоқ жойларида. Баъзи ҳужжатларда уларнинг радио тармоқлари бўлиб, уларда 46879 та радионукта мавжуд. Гарчи 1996 йилнинг 9 ойига нисбатан 1997 йилнинг шу даври-

да аҳолига курсатилган хизмат ҳажми 110,4 фоизни ташкил этган, аҳолига 25,6 миллион сумлик хизмат курсатилган бўлсада, даромад режаси 96,5 фоизга бажарилиди.

Аҳоли, ҳужжатли ҳисобидати ташкилотлар, жамоа ҳужжатлари ва бюджет ташкилотларининг умумий кредиторлик қарзлари 1997 йилнинг 1 октябрга 98928,1 минг сумни ташкил этади. Шунинг натижасида корхонамизнинг кредиторлик қарзлари ҳам бор. Турри, катта миқдордаги ишлаб чиқариш захирамиз мавжуд. Дефитторлик ва кредиторлик қарзлари-

га қарамай ишимизда ишобий ўзгаришлар, олға силжиши бор.

Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан жунатилган шотилинчюма-лар сони 40,0 фоизга, шаҳарларо сузлашувлар 14,9 фоизга угсан. Ўтган 9 ой давомида шаҳар телефон тармоқларида 1180, қишлоқ телефон тармоқларида эса телефонлар сонининг уеиши 155 тани ташкил этган. Биргина Фарғона шаҳрида АТСларимизнинг умумий ситими 60000 бўлиб, 40000 абонентимиз бор. Шу кунгача 3032 та телефон ҳисобдан учирлиди, 3638 телефон янгитдан урнатилди.

Фарғонадаги эски русумдаги АТСлардан бирининг ситимини 8000 рақамли электрон АТСга алмаштирилик. Шаҳар телефон тармоқларида ишлатиш учун мулкдорлардан катта ҳажмида электрон АТСларни урнатиш ва ишлатиш ишлари республикада биринчи бўлиб бўлиб «ДЭУ» фирмаси билан ҳамкорликда амалга оширилди. Ҳар қандай янги техникани ишлаб чиқаришга тадбиқ этишда маълум қийинчиликлар, ҳатто ҳалиқсирашлар бўлиши табиий. Биз ҳам бундан муастасо эмасмиз. Лекин қийинчиликларни Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги раҳбарияти, «Маҳаллий телеком» акциядорлик компанияси ва вилоят доқимлиги ердамида енгиб ўтиб, ерут юз билан замонавий техникани ишлатиб келмоқдамиз. Мамнуятин билан шуни айтмоқчиманки, мазкур АТСларимизда Тошкент электротехника Алоқа институти, Алоқа коллежларини тугатиб, чет элларда рақамли коммуция тизимлари бўйича малака ошириб келган маҳаллий ешлар ишламоқдалар. Биз эса уларнинг сафлари кенгайтиши ва издошлари кунпайиши учун барча куч ҳақда имкониятларимизни аямасимиз.

Ишимиздаги сифат курсаткичларини илгорлар қаторига етказиш, янги техника ва технологияни кенг қулмада ишлаб чиқаришга жорий этиш, дебиторлик қарзларини қамайтириш, ишчи-хизматчиларнинг иш шартларини яхшилаш ва моллий манфаатдорликларини ошириш борасида ҳам ҳали анча ишлар қилишимиз керак ва бу боралдаги изланишлар давом этмоқда. Шу маънода навбатдаги қадамлардан бири — мулк шаклини ўзгариштириш борасидаги ишларни бошлаб юбордик.

Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
сўзбатлашди

— Фарғона вилояти электралоқа корхонаси бешта шаҳар ва 15 та туман аҳолиси ҳамда шу худудлардаги корхоналарга электралоқанинг барча турлари бўйича хизмат курсатади. Умумий ситими 155596 рақамга эга бўлиб 152 та АТС аҳоли ва корхоналар хизматига. Шундан 35 таси шаҳарда, 117 таси қишлоқ жойларида. Улар декаддаги олимлаб ишловчи, координат тизимдаги, квазиэлектрон ва электрон АТСлардан иборат. Шаҳар ва туман марказларидан барча АТСларда код орқали автомат таъзда шаҳарларо ва халқаро сузлашув имконияти бор, лекин қишлоқ АТСларининг 63 фоизидангина бундай имконият мавжуд. Бу АТСлар абонентлари шаҳарларо телефон станциялари телефончилари ердамида бошқа шаҳарлар билан уланидилар.

Шаҳарларо ва халқаро сузлашувларнинг ўртача сони

ни қамайтириш борасида қатор ишларни амалга оширишимиз. Дебиторлик қарзларининг кескин қамаймаётганига эса абонентларнинг уз вақтида хизмат ҳақини тўламаётганликлари, айрим абонентларнинг мотивий ночорлиги, шаҳарларо ва халқаро сузлашувлардаги англашилмовчиликлар, абонентларнинг уз телефонларига эътиборсизликлари ва ишдаги баъзи камчиликлар ҳам сабаб бўлмоқда.

Ишдаги сифат курсаткичларига бир назар солсак, телефонларнинг носозлиги ҳақидаги шикоятларнинг 90-95 фоизи назорат муддатларида бартараф этилмоқда. Куп қаватли уйларнинг ертулаларида иссиқ сув қувурларининг ерилиши натижасида алоқа кабелларининг ишдан чиқиши, ер қазини ишлари олиб борилаётган ерларда кабелларни қурувчилар еки узича ишлатган айрим шахслар томонидан узиб ташланиши, электротехникадаги узидишлар каби воқеалар ишимизга салбий таъсир қуратмоқда. Табиийки, камчиликларимиз ҳам, ечимини кутаётган муаммоларимиз ҳам етарли. Шун-

Шундай қилиб, абонентлар сонининг уеиши 660 та бўлди. Корхонанинг барча хизмат турлари бўйича соф фойдаси 45973,0 минг сумни ташкил этди.

«Ўздунробита» қўшма корхонаси билан ҳамкорликда 1996 йили Фарғона шаҳрида 300 рақамли, 1997 йили Қўқон шаҳрида 300 рақамли уяли телефон алоқаси ишга туширилди. Фарғона-Қўқон йўналишидаги уз хизмат муддатини ўтаб булган радиореде линияси янги куп каналлик рақамли радиореде линиясига алмаштирилди.

Давлатларо Транс-Осие-Европа (ТОЕ) кабел магистралининг Ўзбекистон сегменти қурилишига биз ҳам уз ҳиссамизни қушдик. Корхона бу ишлар учун 67,0 миллион сумдан зиёроқ пул утказди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 1 августидаги «Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоғини 2010 йилгача булган даврда қайта жиҳозлаш ва ривожлантириш Миллий дастури»га кура кўпгина тадбирлар амалга оширишмоқда. Хусусан, кейинги йилларда

Анджон тумани, Куйганёр почта алоқа боғламасининг навбатдаги анжуманида «Меҳнат» алоқа бўлимида 35 йилдан зиёроқ почтачи бўлиб ишлаётган Рўзбой Тожибоевни нафақага кузатиш маросими бўлиб ўтди. Маросимда боғлама бошлиғи Маҳмадхон Мўминов, туман ҳокимининг ўринбосари Шарифхон Умаровлар йирилганларга Рўзбой ақанинг меҳнат фаолияти ҳақида гапириб бердилар. Самарали меҳнатлари учун Рўзбой акага боғламанинг «Фак-

— Уларнинг сафи кенгайиб, бу йил яна 4 кишига кўпайди. Булим бошлиғи вазиасида ишлаб ҳаммамизга устоз бўлиб қолган Нуриддинбой ака Кўчқоров, почтачилар — Жабборали ака Мамадалиев, Илтижоҳон опа Бердиқуловлар нафақага кузатиб кўйилди. Биз фахрийларимиз ҳолидан доимо хабар олиб турибмиз. Ҳар йили байрамларда, туман маъракаларда уларни тақдир этиб, қимматли маолаҳатларини олиб тураимиз. Уларга коммунал

ФАХРИЙЛАР ЭЪЗОДА

рий ёрлиғи», ҳокимликнинг қимматбахо совғалари топширилди. Куйганёр почта алоқа боғламаси бошлиғининг ўринбосари Боқижон ака Абдурахимовдан алоқачи фахрийларига курсатилаётган гамаҳурликлар ҳақида сўзлаб беришини сўрадик.

— Ҳозирги кунларда қарилк гаштини суриб, дам олаётган соҳамиз ходимлари 31 кишини ташкил этади, — дейди Боқижон ака.

хизматлар ҳақини тўлашда ҳамда газета-журналларга обуна бўлишда катта имтиёзлар курсатилмоқда. Фахрийларимиз хошиларига қараб йил давомида дам олиш масканларига, санаторийларга бепул йўланмалар берилмоқда.

Б. ТОШМАТОВ,
Куйганёр почта алоқа боғламасининг ҳуқуқшуноси,
Анджон вилояти

ЭЪЛОН

Бутунжаҳон Почта Иттифоқи ташаббусига кўра ҳар йили энг яхши ёзилган иншо учун кўрик-танлов ўтказилади. Бу йилги танловга «Дўстим, инсон ҳуқуқини мен қандай тушунаман?» мавзуси танланган. Иншонни рус, инглиз, француз, хитой, араб, испан тилларидан бирида ёзиш мумкин. Иншо хат тарзида ёзилиб, ҳажми 500-1000 сўз атрофида бўлиши лозим.

Ғолиблар ЮНЕСКО томонидан аниқлашиб, учта юқори ўринни эгаллаганлар олтин, кумуш, бронза медаллари билан тақдирланади. Бундан ташқари, бешта махсус мукофот ҳам таъсис этилган.

Кўрик танловда ёши 15 дан ошмаган ўсмирлар иштирок этиши мумкин.

Кўриқда қатнашишни истаганлар ўз ишларини Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тақдим қилишлари керак.

Иншоларни топшириш муддати — 30 апрелгача.
Маълумот учун телефон: 132-00-33.

• Мавзуга қайтиб

УЙ ТҲЙИ ҚАЧОН БЎЛАРКИН?

Газетамизнинг шу йилги 9 май сонида «Элакка қолганда...» номли танқидий мақола чоп этилган эди. Унда Термиз шаҳридаги алоқа ходимлари учун қурилган 4 қаватли турароқ биноси эгаларига берилмаётганлиги қаламга олинган. Ҳўш, ўтган муддатда қандай ўзгариш бўлди?

Етоқхонада яшаб келаётган ва туманлардан қатнаётган мутахассислар «Хабар»да босилган танқидий мақолага катта умид боғлагандилар. Афсуски, уларнинг мушқули осон бўлмади. Орадан икки-уч ой ўтса ҳам уйнинг қалитини топширишга бағишланган маросимдан дарак бўлмади. Хуллас, бино ҳозир-

гача уз соҳибларини кутмоқда. Ажабо, бугунги шароитда янги бино бунёд этиш муаммо бўлиб турган чоғда яхши ният билан қурилган уй тақсимланмай турса-я?

Бизнинг эса ниятимиз ҳолис — яхши ният билан қурилган уй тезроқ эгаларига топширилса...

Н. ЗИЁЕВ,
«Хабар»нинг
жамоатчи мухбири

Маълумки, ҳар бир ернинг сунъий йўлдоши муайян бир максатда учирилади. Масалан, француз сунъий йўлдошлари SPOT масофадан туриб ерни кузатиш (Теледетекция) мақсадида фазога парвоз эттирилади. Масофадан туриб ерни кузатишга асосланган биринчи француз сунъий йўлдоши (SPOT) 1986 йилнинг февралда Космосни ўрганиш Миллий Маркази (GNES) томонидан учирилган эди.

SPOT сунъий йўлдошидан олинган суратлар худудий жойларни хариталаш, гидрогеология, қишлоқ ҳўжалиги ва ўрмончилик, минерал бойликларнинг ўрганишда муҳим алоқа воситаси бўлиб хизмат қилади. Жаҳон ракетасозлигида катта илмий-амалий аҳамият касб этаётган ана шу мураккаб техник жараёнлар тажрибаси асосида республикамизда Франция-Ўзбекистон Маркази (KAGVTIS) очилди. Бу нуфузли илмий марказ фаолиятини йўлга қўйиш ва унинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этишда Тошкент давлат техника университетининг иқтидор-

ли ёш олимларидан А. Асадов ва Х. Юсупжоевларнинг хизматлари катта бўлмоқда.

— Олий ўқув юртимиз негизда бундай йирик марказнинг тузилиши космик фазонини ўрганишда ўзига хос, муҳим ўрин тутди, — дейди А. Асадов. — Сунъий йўлдошлар орқали олинган суратларни Ўзбекистон шароитида қайта ишлаш билан шуғулланаётган ушбу илмий даргоҳ ўзининг истиқбол режаларига эга. Шу билан бирга тузилишига дастур

тоғининг ғарбий қисми кўринишларини ўзида акс эттирган эди. Бу сурат ушбу худуднинг тектоник ва сейсмик хусусиятларини ўрганишга ёрдам беради. Ундан фойдаланиб, махсус харита тузишга ҳам киришдик.

Суратни қайта ишлаш усули асосида фазовий суратларнинг динамикасини яхшилашга эришдик. Шу асосда рангли сурат ҳосил қилдик. Бу изланишлар шу худудга хос бўлган қатор тузилмаларни аниқлаш имконини берди.

Шу жараёнлар давомида геологик тузилмалар харитаси ҳам юзага келди ҳамда Кулжуктау тоғидаги барча тузилмалар харитаси тузилди. Сунъий йўлдошдан олинган суратларни қайта ишлаш ва ернинг уч ўлчамли моделларини тузиш алоқа техникаси ривожига катта ҳисса қўшди.

Ёш олимларнинг бу боралда самарали илмий изланишлари энг яхши мавзуза сифатида ёш олимлар ва иқтидорли талабаларнинг республика илмий-амалий анжумани дастурига киритилди.

А. АЛИЕВ

МУҲИМ АЛОҚА ВОСИТАСИ

асосида ҳам изланишлар олиб берилмоқда.

Биз ана шу дастурга муювфик Тулузадаги Теледетекция ривожлантириш маркази билан ҳам алоқа боғландик. Ушбу йирик илмий даргоҳга бориб тажриба ортириб келдик. Бу илмий сафар мобайнида биз сунъий йўлдошдан олинган суратларни қайта ишлаш босқичлари билан танишиб чиқдик. Шу билан бирга 1989 йилда тасвирга туширилган суратни ўзимиз билан олиб келишга муваффақ бўлдик.

Мазкур ноёб сурат Қизилқумда жойлашган Кулжуктау

Беғубор ўсмирлик ва бетакрор ёшлиқнинг намунаси, илк ҳаяжонлари, илк муҳаббат, мураккаб ҳаёт синувлари билан илк бор тўқнашганда киши галати, қутилмаган бир руҳий ҳолатни бошидан кечиради. Бир зум бу кўҳна дунё кўзга қоронғу кўринади. Фақат бевафо севгилисигина эмас, балки ҳамма ҳамма бир-бирини алдаётганга ўхшайди. Шоир лирик қаҳрамон кўйган кўнгли фарёдига монанд шеър битади, хонанда уни қўшиқ қилиб қуйлайди:

Ётоқхона ҳаммага ҳам насиб қилавермас экан, икковлон кичкинагина бир хужрани ижарага олдик.
Бора-бора дўстим билан анча сирдош бўлиб қолдик. Бир кун у яхши кўрган қизнинг фотосуратини кўрсатди. Қордай оппоқ пахтазорда этак боғлаб, жилмайганча пахта тараётган ўша хушрўй сиймо ҳали-хамон кўз олдимдан кетмайди. Дўстим унга бағишлаб ёзган шеърларини, ишқий мактубларини кўрсатди. Дўстимга қайта-қайта хавасим келди, мен ҳам табиий, ўшандай бўлишни истардим.

либди, керакли идораларга, одамларга муружаат этибди — бойдаси бўлмабди. Ахйри командирларга бор гапни тушунтирган экан, навбатсиз таътилга рухсат беришибди.
Дўстим билан энди нима қилсак экан дея бош қотира бошладик. Керакли одамлардан маслаҳатлар сўради. Эсимда, ўшанда ёрдам сўраб, «Совет Ўзбекистони» газетасида ишлайдиган Маҳкам Маҳмудовга, Республика радиоси «Ёшлик» радиостанциясининг бош муҳар-

тим бу маҳалда фурсатни ганимат билиб, қиз билан учрашар, биргаликда келажак режасини тузишар эди. Ажабо, бу воқеаларнинг ҳаммаси эндиликда худди эртакка ёки саргузашт

жойига, яшаш, туриш-турмуш шароити мутлақо ҳали номалълум, мавҳум бўлган беғона юртга олиб кетиш, аниқроғи, қирғиз, қозоқ биродарларимиз удуми бўйича — олиб қочиш эди. Ҳа, ахйри дўстим севгилисини қарбий хизмат жойига олиб қочиб кетди! Уларни ўзим қузатиб қўйдим. Ўзим бахт-саодат тиладим. Ажабо, шу сатрларни ёзаялману кўз олдимда ўша ҳаяжонли лаҳзалар жонланиб, беихтиёр мижаларимга ёш қалқиб чиқди.
Дўстимнинг ҳарбий хизматдаги ва ундан кейинги ҳаёти — алоҳида, бошқа мавзу! Фақат шуни қўшимча қилишим мумкин — улар бахтли-саодатли ҳаёт кечирмоқда, тўртта фарзандлари, ширин набиралари бор.



фильмга ўхшайди.

Қиссадан ҳисса шуки, ҳаётда муҳаббат бор экан! Чин муҳаббат ҳар қандай тўсиқларни энгиб ўттиши мумкин экан. Бунга, юқорида ҳикоя қилганим — ўзим гувоҳ бўлганман! Шу боис ҳаётда бирон сабаб билан севгисига эришолмаган ёшларнинг оҳ-воҳлари, афсус-надоматларига ишонмайман. Фақат уларнинг ўзларини айбламан.
Эҳтимол, кимдир юқоридаги ақл бовар қилмас воқеани тўқиб чиқарилган, уйдирма деб ўйлаши мумкиндир. Ҳикоям ёлгон эмаслигининг исботи учун биргина далил-исбот келтираман: ўша дўстим муҳаббатининг илк меваси — тўнғич фарзанди — қизи ҳозир тахририятимизда ишламоқда...
Ҳа, буни ҳаёт дейдилар. Ҳаёт эса ҳар қандай ҳаёлотдан, ҳар қандай уйдирма-тўқимадан бойроқ ва мураккаброқдир.

Шодмон ОТАБЕК

• Турмуш чорраҳаларида

МУҲАББАТ БОР ЭКАН...

Бевафо кўп экан дунёда, Муҳаббат йўқ экан

Хар гал ана шу кўшиқни эшитганимда ёки омадсиз муҳаббатидан нолиб, севгини мутлақо инкор этувчиларни кўрганымда ҳаелимга узок талабалик йилларимда бўлиб ўтган ўша гаройиб, унутилмас воқеа келади.

... У йигит билан университетга кириш имтиҳонларини топшираётиб танишган эдик. Фейл-атворимиз мос келган чоғи, бир умрлик қадрдон дўст бўлиб қолдик. Биз тўғри мактаб оstonасидан учирма бўлиб келган бўлсак, дўстим ҳаётнинг анча-мунча аччиқ-чучугини тотган, вилоят газетасида икки йил мусаҳҳиш бўлиб ишлаган эди. Гап-сўзлари, дунёқароши, фикрлаш тарзи ҳам ана шу ҳаётий таърибисига монанд эди, унга ҳавасимиз келарди.

Пойтахтдаги мусофирлик ҳаётини бирга бошладик.

Куз мавсумида биз пахта йиғим-теримига жўнаб кетдик, дўстим Тошкентда қолди. Сабаби — ўша йилларда талабалар ҳам ҳарбий хизматга олинар, дўстимга қақриқ қоғози келган эди. Хуллас, биз пахтадан қайтгунча дўстим ҳарбий хизматга жўнаб кетди. У билан муттасил хат ёзишиб турдик.

Баҳор кунларининг бирида ётоқхонамизга ҳарбий кийими ўзига ярашган дўстим тўсатдан таширф буюриб, ҳаммамизни қувонтирди. Айниқса менинг шодлигим чексиз эди. Дўстим билан тунларни тонларга улаб гурунглашсак ҳам гапимиз тугамасди. Унинг қутилмаганда таътил олиши бежиз эмас экан. Маълум бўлишича, севган кизини ота-онаси бошқа бировга турмушга узатиш тараддудига түшибди. Икки ёшнинг муҳаббати, аҳду паймони уларни кизиктирмабди. Дўстим тахририятда ишлаб, анча-мунча ўз ҳаққуқини таниган одам эмасми, қўлидан келган ҳамма ишни ки-

рири, ҳамқишлоғим, раҳматли ёзувчи Рустам Раҳмонга ҳам муружаат қилдик.

Бу орада дўстимнинг севган қизи пединститутга сиртдан ўқишга кириш учун Тошкентга келди. Ишни пишитиш учун бу айни муддао эди. Аммо қизнинг отаси эҳтиёт қорасини кўриб, битта қўриқчини (у ҳам ўқишга кирмоқчи экан) қўшиб юборибди. Қўриқчи қиздан бир қадам ҳам нари жилмас, қаёққа юрса орқасидан соядек эргашар эди. Уйлай-ўйлай қорасини топдик. Қўриқчи билан пайт пойлаб танишибди. Декан тоғам эканлигини, унга ўқишга киришида ёрдам беришим мумкинлигини (эзгулик йўлидаги ёлгон кечирарли деб ўйлардим) айтдим, хуллас, ўзимга ишонтирдим. Қўриқчини бирон баҳона топиб, бошқа томонларга чалғитиб олиб кетардим. Дў-

БЕРУНИЙ ҲИКМАТЛАРИ

- Асаларилар ҳам ўз жинсидан бўлатуриб, ишламай қувадаги асални бекорга еб ётадиганларини ўлдириб ташлайди.
- Севимли нарсаларга машаққат билан, яхшиликка эса ўзига севимли бўлган нарсаларни сарф қилиш билан эришилади.
- Билимсиз кишиларнинг кўнгли хуро-

- фотга мойил бўлади.
- Доим бир хил нарсасига қарай бериш малоллик ва сабрсизликка олиб келади.
- Одамлар билмаган нарсаларига душманлик кўзи билан қарайдилар.
- Бугуннинг қорасини кўриб, эртага эҳтиёжи қолмаган киши ақлидир.
- Ҳар бир янги нарсанда лаззат бор.
- Сукрот ўз халқи ом-

масининг санамларга ибодат қилишига қаршилик кўрсатиб, оғизда бўлса ҳам сайёраларни худо деб аташдан бош тортиди. Шунинг учун Афинанинг ўн икки қозисидан ўн биттаси бир овоздан унинг ўлдирилишига фатво беришди. Сукрот эса ҳақ йўлдан қайтмай ўлиб кетди.
• Одамлар ёқтирган кишилари тарафини олиб, ёмон кўрган кишиларга таъна қилишадди.

— Нега бахилларнинг тори ҳамиша таранг? — деб сўрадилар Арастудан.
— Чунки улар ўзларининг омадсизлигини эмас, бошқаларнинг омадини кўриб ҳам изтироб чекадилар, — деб жавоб берди у.

Сукрот бир бой билан йўлга чиққан экан. Йўлда қароқчилар шу ўртада изғиб юрибди, деган хабарни эшитиб қолибди.

нишманд, — шох учиди мевани олиш учун аввал пастдаги шохларини эгиш керак-да.

— Қанақа одамни энг кучли ҳисоблаш мумкин? — деб бир файласуфдан сўрабдилар.
— Ўз нафсини тия оладиган, эгри йўлдан ҳазар қила оладиган одамни, — деб жавоб берибди донишманд.

Абул ФАРОЖ

ИБРАТЛИ РИВОЯТЛАР

— Оббо, худо урди! Улар мени таниб қолса нима бўлади? — дебди бой.
— Оббо, худо урди-ку! Улар мени танимай қолишса, ахволим нима бўлади? — дебди Сукрот.

Бир донишманд султоннинг хотинига муружаат этибди:
— Маликам, менинг илтимоси ҳақида эрингизга бир оғиз шипшитиб қўйинг!
— Мендан сўраб ўтирган-дан кўра, ўзингиз султонга бевосита муружаат этишингиз мумкин-ку, — дебди малика.
— Маликам, — дебди до-

нишманд, — шох учиди мевани олиш учун аввал пастдаги шохларини эгиш керак-да.

— Гапирмоқдан эшитмоқ маълум, — дебди бир донишманд.
— Нима учун? — деб сўрашса, шундоқ дебди:
— Бўлмаса худо битта тил, иккита қулоқ бермас эди-да!

Биров озгингина хотинга уйланган экан.
— Дўстим, ҳеч сенга тушунмадим. Дурустроқ хотин қуриб кетганмиди? Қоқ суюқдан иборат қизга уйланибсан? — дебди қўшнисини.
— Эй дўстим, димог-финоғи, ноз-қарашмаси ҳам жуссасига яраша бўлса керак, — дебди халиги киши.

• Бу — қизик

АЭРОПОРТДАГИ ҲОДИСА

Бошбей аэропортининг учуш-қўниш майдонида сигирлар подаси пайдо бўлди. Маълумки, Ҳиндистонда мол муқаддас саналади. Шунга кўра, узокдан учиб келган учта йўловчи самолёти қўнолмай, қўқда айлана бошлади.
Бу қийин аҳволдан қу-

тулиш йўлини порт ходимларидан бири топди. У йўлбарс товуши ёзиб олинган магнитофон лентасини радио ва варанглатиб қўйиб юборди.

ШИША — АЛОҚА ВОСИТАСИ

Индонезиянинг баъзи оролларида яшайдиган аҳоли бир-бири билан шиша ёрдамида хат-хабарла-

шиб туради.
Денгиз тўлқинлари шишага солиб юборилган хатни бир кечаю кундузда эгасига аниқ етказадди. Ҳолбуки, хат почта орқали юборилганда камида икки ҳафта йўл босади.
А. АЛИЕВ тайёрлади

МУАССИС: Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги
•
Бош муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК
ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Абдувоҳид ЖҲАБООЕВ Шухрат ЖАББОР

Анатолий КУДИНОВ
Иззат АХМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Абдугани АБДУРАҲМОНОВ
(Масъул котиб)
Миршўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Ёқубжон ХҲҲАМБЕРДИ
Бобохон ШАРИФ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Бўривой АХМЕДОВ
ОТАУЛИ
Саидмахмуд АКБАРОВ
Шохрух АКБАРОВ
Меҳмонкул ИСЛОМУЛОВ
Тўлқин ЛУТҲУЛЛАЕВ
Тоғай МУРОД

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09. **ИНДЕКС:** 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
•
Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.
Рўйхатга олиш №000011. Буюртма № Г-0854. 8954 нусхада чоп этилди.
Обсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.
ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ШАРК. НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ДУШАНБА, 22

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00-8.30 «Афсонама».

8.30 «Ўзбектеlevision» намоиш этакди: «Ортим сени куйайман», «Туллар дўстларинг дўстларинг».

8.55 «Ўзлик». Бодий-публицистик курсатуви. 9.20 «Эртақлар» - ахшиликка етаклар.

10.00, 14.00, 18.00 - Янгиликлар. 10.05 Кино янгиликлари. 10.20 Телевизио.

10.30 «Ўзбек киноси ижодкорлари». 11.00 «Қасос ва қонун». Бодий фильм. 1-2-сериялар.

13.30 Ўзбекистон телерадиоканалиси доторлар ансамблининг концерти. 14.05-14.35 Телевизион миниатюралар театри: «Кўнги достаси».

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 «Олтин тасма». Мульти-фильм. 18.20 «Дўн курган болалар».

18.40 «Слом ва одам». 19.00 «Жаҳон бозорига йўл». Малайзия.

19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.00 - Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида).

19.55 Биржа ва банк хабарлари. 20.10 Оқшом эрталоқлари. 20.30 «Ахборот».

21.00 «Дивер». 22.05 «Дил тароналари». Мусийкий дастур. 22.35 Хусайн Жовид, «Амир Темур».

22.50 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Этиз қўнликлари». 20.15 «Мусийкий йўлка».

20.30 «Ахборот». 21.00 «Туркизм ҳақида». 21.20 «Санта-Барбара».

22.05 «Селин». 22.25 Кундалик. 22.35 Оқшомлар ва Эълонлар. 22.45 Видео-«О».

00.15-00.20 «Тўннингиз хайрли бўйсин!».

17.50 Янгиликлар. 17.55 «Қасодерлар, Мохирилор ва элчилор оламида». Серил.

Россия жамоат телевидениеси. 18.20-21.35 «Кругозор». Тележурнал.

Россия давлат телевидениеси. 22.00-22.30 Эълонлар.

22.30 «Тўннингиз хайрли бўйсин!».

22.35 «Ўзлик». Бодий фильм. 1-серия (Италия).

23.55-00.15 «Ахборот» (рус тилида).

17.10-18.45 Туркия телевидениеси. 18.45 «Мультикурсуель».

19.00, 20.40 - Эълонлар. 19.05 «Шавра».

19.55 «Кино, кино, кино». 20.30 «Ахборот».

21.00 «Спорт хитаси». 21.30 «Кўнги кўнгило пайванд».

22.00 «Дароқчи». 22.10 Оқшомлар ва Эълонлар. 22.20 «Кинонигоҳ».

24.00-00.05 «Тўннингиз хайрли бўйсин!».

17.50 Янгиликлар. 17.55 «Қасодерлар, Мохирилор ва элчилор оламида». Серил.

Россия жамоат телевидениеси. 7.30-9.00 «Ахборот».

18.20-21.35 Эълонлар. 21.35 Эълонлар.

Россия давлат телевидениеси. 22.00-22.50 Эълонлар.

22.50 Эълонлар. 22.55 «Ошиқ эркак». Бодий фильм. 2-серия.

23.40-24.00 «Ахборот» (рус тилида).

17.10-18.45 Туркия телевидениеси. 18.45 «Мультикурсуель».

19.00, 20.50 - Эълонлар. 19.05 «Биржа ва банк хабарлари».

20.10 Оқшом эрталоқлари. 20.30 «Ахборот».

21.00 «Туркизм ҳақида». 21.20 «Санта-Барбара».

22.05 «Селин». 22.25 Кундалик. 22.35 Оқшомлар ва Эълонлар.

22.45 Видео-«О». 00.15-00.20 «Тўннингиз хайрли бўйсин!».

17.50 Янгиликлар. 17.55 «Қасодерлар, Мохирилор ва элчилор оламида». Серил.

Россия жамоат телевидениеси. 18.20-21.35 «Кругозор».

Россия давлат телевидениеси. 22.00-22.30 Эълонлар.

22.30 «Тўннингиз хайрли бўйсин!».

22.35 «Ўзлик». Бодий фильм. 1-серия (Италия).

23.55-00.15 «Ахборот» (рус тилида).

17.10-18.45 Туркия телевидениеси. 18.45 «Мультикурсуель».

19.00, 20.50 - Эълонлар. 19.05 «Шавра».

20.10 Оқшом эрталоқлари. 20.30 «Ахборот».



8.40 «Ўзбекистон бастакарлари». Анор Назаров.

9.20 «Ақсон ва биз». 9.40 «Авало». Публицистик курсатуви.

10.00, 14.00, 18.00 - Янгиликлар. 10.05 «Дароқчи».

Уш қўнликлар. 10.30 География. 11.00 Арифбо сабаклари.

11.30 «Дил йўқиди». Бодий фильм. 12.40 «Бир танлаган йўл». Видеоканал.

13.40 «Талаб ва тақдир». 14.05-14.40 «Кўнун ва биз».

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 Болалар учун. «Бешбармоқ».

18.25 «Ажаб соваат зур...» Бодий-публицистик курсатуви.

19.25, 20.25, 20.55, 22.00, 23.05 - Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида).

19.50 «Кўнун ва биз». 20.10 Оқшом эрталоқлари.

20.30 «Ахборот». 21.00 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Х сессиясида.

22.05 «Кўнги кўнгило сизга армуғона». Мусийкий курсатуви.

22.45 «Дурдона». А. Фараби. 23.10 «Ахборот».

23.35 «Фирибарнинг фириблари ёки бир жойда зир қолуриш». Бодий фильм. 01.05-01.10 Видео-тисмолари.

9.00 «Болалар дунёси». 9.15 «Сувости дунёси». Серил.

9.40 «Турфа олами». 10.10 «Дароқчи».

10.20 «Жарфия». 10.55 «Даллас». Телесерил. 11.25 «Зар қадри». Мусийкий дастур.

12.00 Видео-«О».

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Дароқчи».

18.15 «Арапош-қуралош». Болалар учун дастур.

18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесерил. 18.35 «Бир жуфт қўшиқ».

19.15 «Ўнлик кўнгило ахши». 19.30 «Мутойиба».

10.10 «Ибром». 10.35 «Янги йил арафасида». Мусийкий тонаффус.

20.30 «Ахборот». 21.00 «Туркизм ҳақида».

Олий Мажлисининг Х сессиясида. 22.00 Санъат усталарининг концерти.

22.45 «Маърифатнома». 23.20 «Ахборот».

«Муновар дунё». Маърифий дам олиш дастури.

23.45 «Олам». 00.05 «Валиялар сардор».

Бодий фильм. 01.35-01.40 Ватан тисмолари.

9.00 «Арапош-қуралош». Болалар учун дастур.

9.15 «2000-йилдан сўнг». Телесерил. 9.35 «Бир жуфт қўшиқ».

9.55 «Ўнлик кўнгило ахши». 10.10 «Ибром».

10.35 «Янги йил арафасида». Мусийкий тонаффус.

10.40 «Ғап йўк...». 11.35 «Кино жўрнонида».

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Дароқчи».

18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 - Эълонлар. 18.20 «Бор экан-да, йўк экан...».

18.35 «Янги дам олиш». 18.55 «Янги дам олиш».

19.05 «Хусусийлаштириш: қодом-бақодом».

19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Сизлардан ишорат».

20.30 «Ахборот». 21.00 «Ривоят».

21.10 «Ўш келибиз». 21.30 «Санта-Барбара».

Телевизион бодий фильм. 21.35 «Бокс, Бокс, Бокс».

22.45 «Дароқчи». 22.55 Оқшомлар ва Эълонлар.

23.10 «Кинонигоҳ». 00.45-00.50 «Тўннингиз хайрли бўйсин!».

18.15 Янгиликлар. Россия жамоат телевидениеси. 7.30-9.00 «Ахборот».

18.20-21.35 Эълонлар. 21.35 «Мусийка камма учун».

Мусийкий дастур. 22.50 Эълонлар.

22.55 «Сизга ўшамасмикан?» Бодий фильм. 1-серия.

23.40-24.00 «Ахборот» (рус тилида).

23.00 Видео-«О». 00.30 «Илгар-футбол».

00.50-00.55 «Тўннингиз хайрли бўйсин!».

18.10 Дастурнинг очилиши. Эълонлар. Россия жамоат телевидениеси. 18.15-21.30

21.30 Эълонлар. 21.35 «Сизга ўшамасмикан?» Бодий фильм. 2-серия.

22.25-22.45 «Орол новолари» фильм-концерт.

9.00 «Аэробика». 9.20 Эълонлар.

9.25 «Ўнлик эртани». 10.45 «Кросс-Роуас қавсига хуш келибиз!».

«Америкада бир назар кўрсатувида ялов». Инглиз тили - ҳамма учун.

11.15 «Биргаликда куйайлик». 12.00 «Учун шифокорлар». Телесерил.

12.45-13.05 «Корей тилини ўрганамиз».

17.10-18.45 Туркия телевидениеси. 18.45 «Мультикурсуель».

19.00, 21.50 - Эълонлар. 19.05 «Санта-Барбара».

Телевизион бодий фильм. 19.50 «Шанба оқшомида».

20.00 «Дилни ва шарҳ». 20.15 «Болалар сўзлаганда».

20.20 «Намаст». 20.50 «Ассалом, Франция!».

21.20 «Рақслар қанотида». 21.55 «Сомодаги олимлар». Телесерил.

22.45 «Бу ажиб дунё». 23.00 «Ит-коллекция».

23.20-23.30 «Хайрли тўн».

8.25 «Қомлоқ». Болалар учун кино-дастур.

10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».

11.00 «Тадбир ҳазини ёки кушад ёнги бўлиш».

Бодий фильм. 2-серия. 12.25 «Ташриф». Дам олиш дастури.

13.05 «Зиёрат». 13.15 «Санама». Кинокурсатуви.

13.35 «Олам тақдир олами». 13.55-14.55 «Волонгирим - пошони тили».

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Болалар учун. «Янги йил шик қомлоқ».

18.30 «Ғазалар филлиги». 18.50 «Экспортчил».

ЧОРШАНБА, 24

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.

8.00-8.25 «Ахборот».

8.25 «Хикматли куйлар оғушида». Мусийкий курсатуви.

9.05 Олтин мерос. «Хунорманда» Тележурнал.

9.25 «Ўзбектеlevision» намоиш этакди: «Кўнги кўнгило».

10.00, 14.00, 18.00 - Янгиликлар. 10.05 «Йўлги омон бўлса».

10.30 Янги алабона ўрганамиз. 11.00 «Рокс, рокс, рокс».

11.15 Телеанлаш. «Ўзлинг намоён кил». Экранда - Хоразм вилояти.

12.00 «Нуроний». Тележурнал. 12.20 Болалар учун. «Чамандоги гулармиз».

12.35 «Алиқа, эркаклар суйкам». Бодий фильм.

14.05-14.35 Қарат буйича Ўзбекистон кубоги.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 «Шарқ табаоти сирлари».

18.25 «Йслохот ва масъулият». 18.45 Фольклор-этнография ансамблининг «Зилан-97» телефестивали.

19.05 «Соник ва изорат». 19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.00, 23.40 - Эълонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Йиллар ва йўллар».

20.10 Оқшом эрталоқлари. 20.30 «Ахборот».

21.00 «Итисодиёт чоррақаларида». 21.20 «Ўзбекистон бастакарлари».

Анор Назаров. 22.05 «Кўнун ва биз».

ШАНБА, 27

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.

8.00-8.25 «Ахборот».

8.25 Республика газеталарининг шораси.

8.40 «Мусийка бўстон». Телеальманах. 9.00 «Маърифатнома».

«Шикли студия намоиш этакди».

9.30 «Сўзлар қанотида». 9.50 «Кўнун кўнгило йўлга».

10.10 «Ўйла! Ўйла! Ўйла! Телевелошу». 10.55 «Кўнун, шиллигим».

Мусийкий дастур. 11.15 «Петрининг арзуи». Мусийкий фильм.

11.35 «Тадбир ҳазини ёки кушад ёнги бўлиш». Бодий фильм. 1-серия.

12.40 «Мехр макони». 13.00 «Туркий уруғлар». Мангит.

13.15-14.15 «Маназиет видеоканали».

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Болалар учун. «Гулунчалар».

18.20 «Муноажим башорати». 18.35 «Мувозана».

Бодий-тадбирий курсатуви. 19.00 «Хайрат».

Бодий-публицистик курсатуви. 19.25, 20.25, 20.55, 22.00 - Эълонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Оқшом эрталоқлари.

20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).

20.15 «Жаҳон спорти». 20.30 «Ахборот».

ЯҚШАНБА, 28

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.

8.00-8.25 «Ахборот».

8.25 «Қомлоқ». Болалар учун кино-дастур.

10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».

11.00 «Тадбир ҳазини ёки кушад ёнги бўлиш».

Бодий фильм. 2-серия. 12.25 «Ташриф».

Дам олиш дастури. 13.05 «Зиёрат».

13.15 «Санама». Кинокурсатуви. 13.35 «Олам тақдир олами».

13.55-14.55 «Волонгирим - пошони тили».

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Болалар учун. «Янги йил шик қомлоқ».

18.30 «Ғазалар филлиги». 18.50 «Экспортчил».

19.00 «Аэробика». 19.20 Эълонлар.

19.25 «Ўнлик эртани». 10.45 «Кросс-Роуас қавсига хуш келибиз!».

«Америкада бир назар кўрсатувида ялов». Инглиз тили - ҳамма учун.

11.15 «Биргаликда куйайлик». 12.00 «Учун шифокорлар».

Телесерил. 12.45-13.05 «Корей тилини ўрганамиз».

17.10-18.45 Туркия телевидениеси. 18.45 «Мультикурсуель».

19.00, 21.50 - Эълонлар. 19.05 «Санта-Барбара».

СЕШАНБА, 23

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.

8.00-8.25 «Ахборот».

8.25 Республика газеталарининг шораси. 8.40 «Дил тароналари».

Мусийкий дастур. 9.10 Биржа ва банк хабарлари.

9.25 «Соник ва изорат». 9.40 «Слом ва одам».

10.00, 14.00, 18.00 - Янгиликлар. 10.05 «Талаб ва тақдир».

10.30 Инглиз тили. 11.00 «Янгов». Мульти-фильм.

11.10 «Босир».

11.30 Хусайн Жовид, «Амир Темур». Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилоят театрининг спектакли.

13.30 «Соз севри». М.